

КОРРУПСИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ИЛДИЗЛАРИ

Бўриева Муштарий

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий
университети Социология йўналиши магистранти

Аннотация: Коррупция ҳар қандай жамиятнинг тараққиётига жиддий таҳдид солувчи мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий муаммо ҳисобланади. Унинг илдизлари нафақат иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар, балки чукур ижтимоий-маданий сабаблар билан ҳам боғлик. Коррупция аксарият ҳолларда жамият ҳаётининг муҳим соҳалари, яни давлат бошқаруви, бизнес, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларида учрайди. Ушбу мақолада коррупциянинг ижтимоий илдизлари ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга, унинг жамият ҳаётига салбий таъсири қараб чиқилади.

Калит сўзлар: Коррупция, ижтимоий соҳа, ижтимоий адолатсизлик, бюрократия, эркин ОАВ, эркин матбуот, шаффоффлик, таълим, электрон ҳукумат, ижтимоий чорасизлик.

Коррупция – бу давлат ёки хусусий сектордаги шахсларнинг ўз ваколатларини шахсий манфаат йўлида сустеъмол қилишидир. У ноқонуний йўл билан бойлик орттириш мақсадида пора олиш ёки бериш, давлат маблағларини талоп-тарож қилиш, таниш-билишчилик ва мансабдор шахсларнинг ўз лавозимидан шахсий ёки гурӯхий манфаат йўлида фойдаланиши каби шаклларда намоён бўлади.

Коррупциянинг ижтимоий омиллари муайян жой ва макондаги ижтимоий ва иқтисодий муаммолар билан чамбарчас боғлиқдир. Маълум маънода коррупциянинг илдизларидан бири бўлиб жамиятнинг тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган анъана ва одатлар ҳисобланади. Баъзи жамиятларда таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик ва непотизм (қариндош-уруғчилик) қадимдан мавжуд бўлиб, бу ҳолат коррупциянинг табиий қисми сифатида қабул қилинади. Хусусан, баъзи оиласаларда ёки жамоаларда “ўз одамингни қўллаб-қувватлаш” ижтимоий меъёр сифатида қаралади. Натижада, мансабдор шахслар ўз қариндошларини лавозимларга тайинлаш ёки имтиёзлар бериш орқали адолатсизликка йўл

қўяди.¹

Ижтимоий адолатсизлик коррупция авж олишига сабаб бўлувчи омиллардан биридир. Камбағаллик даражаси юқори бўлган жамиятларда одамлар моддий манфаатларни биринчи ўринга қўйиб, қонунларни четлаб ўтишга мойил бўлишади. Шу сабабли, камбағал қатlam вакиллари ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш учун пора беришга мажбур бўлишлари мумкин, чунки одил судлов ёки давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти чекланган бўлади.

Коррупциянинг ижтимоий илдизларидан яна бири бу таълим даражасининг пастлиги, яъни сифатсиз таълим амалиётидир. Таълим тизими заиф бўлган давлатларда фуқаролар ўз хуқуқ ва мажбуриятларини етарлича тушунмайди. Бундай ҳолатда фуқаролар коррупцион ҳолатларга қарши курашиб механизмларидан фойдаланишга ҳаракат ҳам қилишмайди. Шу билан бирга, коррупция бу каби мамлакатларда таълим тизимининг ўзида мавжуд бўлади.

Жамиятда жамоатчилик назорати тизими яхши йўлга қўйилмаган бўлса, коррупция кенг тарқалади. Матбуот ва мустақил оммавий ахборот воситалари коррупцион ҳолатларни фош қилишда катта рол ўйнайди. Аммо Аммо, матбуот эркинлигининг чекланиши коррупцияга қарши жамоатчилик ҳаракатини барбод қиласди. Сабаби бунда фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги давлат тизимларининг шаффофлиги ҳақида етарли маълумотга эга бўлмайди.

Коррупциянинг ижтимоий оқибатлари жиддий эканлиги ҳуч кимга сир эмас. Бундай оқибатларнинг айримларини санаб ўтишга ҳаракат қиласми.

Биринчидан, коррупция ҳолатлари фуқароларда давлат институтларига бўлган ишончсизликни кучайтиради. Оддий одамлар давлат тизими фаолиятининг адолатлилигига шубҳа қила бошлайди. Табиийки, бунинг оқибатида қонунларга риоя қилиш истаги камаяди.

Иккинчидан, коррупция таъсирида ижтимоий адолатсизликни кучайтиради, яъни бой ва қудратли кишиларнинг янада бойишига, камбағал қатlamнинг ижтимоий чорасизлигини баттар чуқурлаштиради.

Учинчидан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимининг издан чиқиши

¹ Uzbekistan Republic Anti-Corruption Agency. (2023). Korrupsiyaga qarshi kurash strategiyasi. <https://anticorruption.uz>

аввало коррупциялашган таълим ва тиббиёт тизимларида сифатнинг пасатлиги билан тўғридан тўғри бўғлиқ бўлиб, жамият ривожланиши асосларини емиради.²

Кўринадики, коррупцияни камайтириш учун сиёсий ирода ва комплекс ёндашув талаб қилинади. Хусусан, аввало ОАВ мустақил бўлиши лозим. Айнан эркин фикр муҳитидагина нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар фаоллигини ошириш мумкин. Бу эса коррупцияга қарши курашиш имкониятини беради.

Шунингдек, танқидий ва эркин фикрлаш муҳитига асосланган таълим тизими воситасидагина корруцсияга қарши таълим бериш ва ёш авлод онгидаги ҳалолликни тарбиялаш мумкин, бу ҳам коррупцияни камайтиришга ёрдам беради. Давлат органларининг очиқлиги, давлат харажатларининг шаффоф юритилиши коррупциянинг олишини алоҳида айтиб ўтиш муҳимдир. Коррупцияга қарши қатъий қонунлар ишлаб чиқиш ва уларни амалда қатъий тарзда қўллаш ниҳоятда зарур.

Электрон хукумат давлат хизматларини ривожлантириш орқали инсон омилиниң салбий ўрни камайтирилиб, коррупциянинг олди олинади.³

Хулоса қилиб айтганда, коррупция ҳар қандай жамият учун ҳалокатли бўлиши мумкин. Унинг ижтимоий илдизларини тушуниш ва уларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар белгилаш коррупцияга қарши курашишнинг муҳим босқичидир. Коррупцияга қарши курашда фақат хуқуқий чоралар эмас, ижтимоий онгда унга қарши сиёсий маданият ва сиёсий ирода хислатларини шакллантиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам зарур. Коррупциясиз жамият яратиш учун ҳар бир фуқаронинг ўз масъулиятини ҳис қилиши ва ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилиши муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. World Bank. (2022). Combating Corruption: Legal and Institutional Frameworks.
<https://www.worldbank.org>
2. Rose-Ackerman, S. & Palifka, B. J. (2016). Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. Cambridge University Press.
3. Uzbekistan Republic Anti-Corruption Agency. (2023). Korrupsiyaga qarshi kurash strategiyasi. <https://anticorruption.uz>

² Rose-Ackerman, S. & Palifka, B. J. (2016). Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. Cambridge University Press.

³ Uzbekistan Republic Anti-Corruption Agency. (2023). Korrupsiyaga qarshi kurash strategiyasi. <https://anticorruption.uz>

Government: Causes, Consequences, and Reform. Cambridge University Press.

3. Танзи, В. (1998). Corruption Around the World: Causes, Consequences, Scope, and Cures. IMF Working Paper.
4. Uzbekistan Republic Anti-Corruption Agency. (2023). Коррупсияга қарши кураш стратегияси. <https://anticorruption.uz>